

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ
«ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИ» ТЎҒРИСИДАГИ**

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу «Низом» 2005 йил 9 апрелдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари фани бўйича» махсус методологик комиссия қарори ҳамда ОЎМТВнинг 2005 йил 18 майдаги 107-сонли «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдиришда таълим жараёни, маънавий-маърифий фаолият ва таълимдан ташқари ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи асосида ишлаб чиқилди.

2. Институтда узоқ шаҳар ва вилоятлардан келиб таълим олаётган талабалар ва тадқиқот ишлари олиб бораётган аспирантларни вақтинча яшаш жойи билан таъминлаш мақсадида «Талабалар турар жойи» ташкил этилган.

3. Талабалар турар жойи бошқаруви – мазкур Низом асосида институт раҳбарияти томонидан шакллантирилади ҳамда ўз фаолияти йўналишига, иш режаси ва дастурига, махсус муҳрига, штат бирлигига эга бўлиб, талабалар уйининг маъмурий, хўжалик, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини бошқаради.

4. Талабалар турар жойида талабанинг яшаши, ўз устида мустақил ишлаши, дам олиши ҳамда спорт, санъат ва бошқа клубларда қатнашиши учун шароитлар яратилади.

5. Талабалар турар жойининг моддий-техник таъминоти, уни капитал ва жорий таъмирлаш, бинодаги қаттиқ ва юмшоқ кроват, мебель, хона жиҳозлари (кўрпа-тўшак, ёпинчиқлар, сочиқлар ва бошқалар), техника воситаларини сақлаш, таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш, тозалигини таъминлаш, коммунал-хўжалик хизматлари (иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация, иссиқ сув қувурларини таъмирлаш) ва бошқа шарт-шароитлар институт томонидан таъминланади.

6. Талабалар турар жойи олиш учун факультет декани ёки маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор номига ариза ёзади ва унга паспорт нусхасини илова қилади. Мазкур ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгач, талабалар турар жойларига жойлаштириш бўйича маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор ва касаба уюшмаси руҳсати билан берилган ордер асосида амалга оширилади.

7. Талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба ва аспирантлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан таъсис этилган қоидалар асосида вақтинча рўйхатга олиндилар. Рўйхатга олиш ишлари Бошқарув раиси (мудир) ва паспортист(ка) томонидан амалга оширилади.

8. Тарбиявий-маданий, спорт-соғломлаштириш ишлари ва талабалар турар жойида яшовчиларга маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасидаги умумий раҳбарлик институт ректори (директори) зиммасига юклатилади.

9. Талабалар турар жойларига ўқув муассасаси ишчи-хизматчилари, бегоналар, талаба ва аспирантларнинг оила аъзоларини жойлаштириш қатъиян ман этилади.

10. Талабалар турар жойларида яшаш учун тўлов миқдори институт буйруғи билан белгиланади.

II. Талабалар турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. Талабалар турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- ўзига ажратилган хонада ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда яшаш;
- талабалар турар жойи биноларидаги маданий-маиший жиҳозлардан фойдаланиш;
- фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган жиҳоз, мебель ва бошқа мулкларни таъмирлаш, янгилаш ҳамда маиший хизматлардан фойдаланишда юзага келган камчиликларни бартараф этишни сўраб раҳбариятга мурожаат қилиш;
- талабалар турар жойларида ўтказиладиган оммавий маданий, спорт ва тарбиявий тадбирларда иштирок этиш;
- яратилган шарт-шароитлар бўйича институт маъмуриятига таклифлар билан чиқиш;
- «Талабалар кенгаши»нинг аъзоларини сайлаш ва унга сайланиш;
- «Талабалар кенгаши» орқали талабалар турар жойининг маиший таъминотини такомиллаштириш, тарбиявий ишлар ва маданий ҳордиқни ташкил этиш, яшаш хоналарини жиҳозлаш бўйича масалаларни ҳал этишда иштирок этиш.

2. Талабалар турар жойида яшовчиларга қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш;
- маъмурият билан тузилган ўзаро масъулият тўғрисидаги шартнома қоидаларига риоя қилиш;
- навбатчилик жадвалига биноан хоналарда, қават ва кириш жойларида навбатчилик қилиш, дам олиш жойларида намунали тозалиқни таъминлаш;
- газ ва электр асбобларидан унумли фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- яшаб турган хона ва умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим саранжом тутиш;
- хонадошлар ҳамда талабалар турар жойида яшаётган талабалар билан самимий ва аҳил муносабатда бўлиш;
- қават ва секция сардорлари, талабалар кенгаши раиси топшириқларини бажариш;
- талабалар турар жойи ва хонадаги мавжуд ҳамма жиҳозларни (шифонер, кроват, тумбочка, стол, стул ва ҳ.к.) намунали даражада тутиш;
- талабалар турар жойи ва хонадаги мебелларни, дераза ва унга қўйилган ойналарни синдирмаслик, эшик қулфларини талабалар турар жойи мудирининг рухсатисиз алмаштирмаслик;
- умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр ва газ плиталарини эҳтиёт қилиш, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналари жиҳозларидан тўғри фойдаланиш;
- электр ва газ плиталаридан тежаб фойдаланиш, қўлбола электр иситгич асбобларидан фойдаланмаслик;
- жадвал бўйича навбатчилик қилиш, белгиланган муддатда қаватни ҳамда умумий фойдаланиш жойларини (ҳожатхона, ювиниш хоналари, овқат пишириш хонаси ва бошқалар) тозалаш, маиший чиқиндиларни махсус белгиланган жойларга ўз вақтида чиқариб ташлаш;
- талабалар турар жойида ўтказиладиган ҳашар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам, фаол қатнашиш;
- талабалар турар жойидан узоқ муддатга кетишдан олдин (ёзги ва қишки таътилга, дам олишга, амалиётга) хонадаги жиҳозлар ва хона калитини талабалар турар жойи бошқаруви раиси (мудир)га топшириш.

-битирув малакавий ишларини тугаллагандан сўнг ёки таълим муассасасидан четлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарилган тақдирда хона ва ундаги жиҳозларни бир ҳафта муддат ичида талабалар турар жойи бошқаруви раиси (мудир)га топшириш.

3. Талабалар турар жойида яшовчиларга қуйидагилар ман этилади:

-талабалар турар жойи бошқаруви раиси (мудир)нинг рухсатсиз бир хонадан иккинчи хонага кўчиб ўтиш;

- яшаш хонасида кир ювиш;

- хонадаги анжомларни бошқа хонага рухсатсиз кўчириш;

- хонадаги электр тармоқларини ўз хоҳишича ўзгартириш ва қўшимча ёриткич ўрнатиш;

- деворларга турли расмлар чизиш, ҳар хил қоғозлар ёпиштириш;

-овоз чиқарувчи қурилмалар овозини хона ташқарисидан юқори эшитилиши, юқори овозда ашула айтиш ва мусиқа асбобларини чалиш;

-электр иситгичлар ва керосиндан фойдаланиб ишлайдиган асбобларни ишлатиш;

-бегона одамга тунаб қолиш учун жой бериш;

-спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш, сотиш тақиқланади.

4. Талабалар турар жойи ҳаётида фаол иштирок этаётган, намунавий хулқли талабалар қуйидаги тартибда рағбатлантириладилар:

- миннатдорчилик билдирилади;

- мақтов ёрлиғи;

- эсдалик совғалари билан тақдирланади;

- моддий рағбатлантирилади.

5. Талабалар турар жойи ички тартиб-қоидаларини бузганларга нисбатан қуйидаги чоралар қўлланилади:

- огоҳлантирилади;

- талабанинг ота-онаси билан суҳбат ўтказилади;

- ҳайфсан эълон қилинади;

- талабалар уйдан чиқарилади;

-институт ректорига талабалик сафидан чиқариш бўйича таклиф киритилади;

-талаба ўз турар жойларида фойдаланиб келаётган мол-мулкка бевосита етказилган ҳақиқий зарарни, агар зарар уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нореал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлмаса тўлаши шарт.

III. Институт маъмуриятининг мажбуриятлари

1. Ректор, проректорлар, деканлар, комендантлар талабалар турар жойи тозалиги, санитария ҳолати, талабалар турар жойида яшовчиларнинг дахлсизлиги ва тарбиявий ишлар самарадорлиги учун масъулдирлар.

2. Институт маъмуриятининг мажбуриятлари:

-талабалар турар жойида санитария ва гигиена қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

-талабалар турар жойини тегишли чойшаб, ёстик жилдлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш;

-талабалар турар жойида ўтказиладиган тадбирлар, маданий-оммавий ишлар ҳамда спорт мусобақаларини ўтказишни таъминлаш;

-талабалар турар жойини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

-талабалар турар жойида яшаш шароитларини тегишли меъёрлар асосида жиҳозлар

билан таъминлаш;

- талабалар турар жойида фаолият юритувчи шахсларни зарурий иш ўринлари билан таъминлаш;

-талабалар турар жойида юзага келган маиший хизмат тизимидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва қайта туғилмаслигининг олдини олишдан иборат.

3. Институт маъмурияти ҳар бир талабалар турар жойига алоҳида масъул этиб, талабалар турар жойлари Бошқарув раиси (мудир)ни тайинлайди.

IV. Талабалар турар жойи фаолиятини ва бошқарувини ташкил этиш

1. Талабалар турар жойининг ўрнатилган меъёрий талаблар асосида фаолият юритиши учун шахсан ректор масъулдир.

2. Талабалар турар жойида ўқув зали, маънавият ва маърифат хонаси, дам олиш (отаналар) хонаси, гигиена хонаси, тарбиячилар хонаси, ошхона, ҳожатхона, ювиниш хонаси, душ ташкил этилиши лозим.

3. Талабалар турар жойида кутубхона филиали ташкил этилади ва режа асосида ўз фаолиятини олиб боради.

4. Талабалар турар жойидаги ошхоналар газ ёки электр плиталари, стол-стул, сув тармоғи, санитария жиҳозлари билан таъминланиши ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

5. Талабалар турар жойидан фойдаланиш, меъёрий-ахлоқий тартибларга риоя қилинишини таъминлаш, талабаларга қулай шароитни яратиш мақсадида талабалар турар жойи Бошқаруви ташкил этилади. Бошқарув таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимлар институт штат бирликлари доирасида шакллантирилади. Намунавий штат бирлигида кўзда тутилмаган ходимлар жамоатчилик асосида ишга жалб этилади. Унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

-бошлиқ (мудир);

-хўжалик ишлари бўйича мудир муовини - (Бошлиқ ўринбосари);

-Талабалар кенгаши раиси (Бошлиқ ўринбосари);

-педагог-тарбиячилар ва бошқалар.

6. Талабалар турар жойи Бошқарувини ташкил этиш, олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш масъулияти ректор зиммасига юклатилади.

7. Талабалар турар жойи бошқарувининг штатлар бирлигини таъминлаш, иш ҳақини белгилаш, ходимларни ишга жалб этиш, улар томонидан ўз хизмат вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш, талабалар учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда истиқомат қилувчи талабалар ўртасида ташкилий, хўжалик, ҳуқуқий-тарбиявий ишларни олиб бориш масъулияти тегишли проректорлар томонидан амалга оширилади.

8. Талабалар турар жойи бошқаруви таркибидаги барча ходимлар ректор томонидан тайинланади. Бошқарувнинг йиллик иш режаси олий таълим муассасаларида Илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва ҳар ярим йилда ўз фаолияти бўйича Илмий кенгашда ҳисобот беради.

Эслатма: Талабалар турар жойлари жойлашиши яқин бўлиб, уларда яшовчилар сони бир минг ва ундан ортиқ бўлса «Талабалар шаҳарчаси» дирекцияси ташкил этилиши мумкин. Унинг фаолияти таълим муассасасига ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланади.

V. Талабалар турар жойи бошқаруви раиси (мудир)нинг вазифалари

1. Бошқарув раиси (мудир) – талабалар турар жойи фаолиятини ташкил этишнинг барча йўналишлари бўйича умумий раҳбарликни олиб боради.

2. Бошқарув раиси (мудир) лавозимига тайинланадиган шахс тажрибали бўлиши шарт.

Унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-талабалар турар жойининг фаолиятини ташкил этиш дастури ва режасини ишлаб чиқади;

-жорий йилда олиб борган фаолияти бўйича ҳар ярим йилда институт Илмий кенгашида ҳисобот беради;

-талабалар турар жойи бошқарувидаги лавозимларга штат бирликлари асосида ходимлар ва ишчиларни танлайди, ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш бўйича ўз тавсияларини раҳбариятга расмийлаштириш учун тақдим этади;

-талабаларни хоналарга жойлаштиради;

-санитария меъёрларининг бажарилишини таъминлайди;

-ўринларни талабаларнинг жинси, факультетлар бўйича тақсимотини белгилайди, улар ҳақидаги умумий маълумотлар банки, ахборотлар, статистик жадвалларни тайёрлайди, ушбу маълумотлар билан институт раҳбарларини доимо хабардор этиб туради;

-талабалар турар жойининг моддий-техник таъминотини таҳлил этади, эҳтиёж ва талаблар асосида зарур материаллар, жиҳозлар учун буюртмалар беради;

-талабаларнинг яшаши, дарс тайёрлаши ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратади;

-паспорт тизими, талабалар уйига кириб-чиқиш қоидаларининг қатъий бажарилишини таъминлайди;

-педагог-тарбиячилар фаолиятини ташкил этади;

-доимий навбатчиликнинг узлуксизлигини таъминлайди;

-ҳафталик йиғилишлар, тадбирларда иштирок этади, талабалар турар жойига тегишли бўлган масалалар бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари, ташкилотлар, муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб боради;

-назоратчилар гуруҳи фаолиятини ташкиллаштиради ҳамда «Маҳалла посбонлари», «Ёш посбонлар» билан ҳамкорликда ишлашни таъминлайди;

-талабалар бўш вақтини фойдали меҳнат билан тўлдиришни амалга оширади.

VI. Хўжалик ишлари бўйича мудирнинг вазифалари

1. Хўжалик ишлари бўйича мудир фаолиятини бевосита бошқарув раиси (мудир) йўналтиради, мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

2. Хўжалик ишлари бўйича мудир лавозимига тайинланадиган шахс олий маълумотли ва камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

3. Унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-талабалар турар жойи ва унинг ҳудудидаги хўжалик ишларини олиб боради;

-талабаларни зарур бўлган қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, хона жиҳозлари, ювиниш воситалари билан таъминлайди;

-мавжуд хўжалик муаммолари ва камчиликларни бошқарув раиси (мудир) билан биргаликда бартараф этади;

-хоналарни, ўқув хонасини зарур жиҳозлар ва воситалар билан таъминлаб туради;

-талабалар турар жойи ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария

ишларини амалга оширади;

- алабалар турар жойининг совуқ ва иссиқ сув, газ ва электр энергияси билан таъминланишини назорат қилади, юзага келган муаммолар бўйича тегишли ташкилотлари билан боғланади, камчиликларни бартараф этади;

-хона жиҳозлари (чойшаблар, ёстиқ жилди, кўрпа-тўшак, сочиклар)ни даврий равишда алмаштирилишини амалга оширади;

-тегишли худуддаги экология, атроф-муҳит тозалиги, дарахтларни парваришlash, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боради;

-тегишли худуддаги электр тармоқлари, ёритгичлар ишлашини таъминлайди;

-хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлигига оид ишларни амалга оширади;

-санитар хоналар (гигиена хонаси, душ, ҳожатхона) фаолиятини назорат қилади;

-хўжалик соҳасида хизмат қилувчи техник ходимлар - фаррош, вахтёр, электрик, сантехник, боғбон ва бошқаларнинг фаолиятини ташкил этади, назорат қилади.

VII. Жамоатчилик асосида жалб этилаётган педагог-тарбиячи фаолиятини ташкил этиш

1. Педагог-тарбиячи институт ректор буйруғи асосида талабалар турар жойи бошқарувига жалб этилади.

2. Педагог-тарбиячи вазифасига жалб этиладиган шахс олий педагогик маълумотли ва камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

3. Педагог-тарбиячи маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлиги учун масъулдир. Педагог-тарбиячиларнинг иш вақти смена асосида ташкил этилади.

4. Педагог-тарбиячиларнинг иш режаси ва дастурини маънавий ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор тасдиқлайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, йўналтиради ҳамда бошқаради.

5. Педагог-тарбиячилар ўз фаолиятини «Талабалар турар жойи педагог-тарбиячиларининг ҳуқуқий мақоми ва қоидалари» тўғрисидаги ҳужжат асосида амалга оширади.

6. Педагог-тарбиячининг вазифалари:

-талабаларнинг бўш вақтларида талабалар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш бўйича долзарб маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий мавзулар бўйича давра суҳбатлари, тренинглари ва бошқа турли тадбирларни ташкил этади;

-талабаларучун спорт-соғломлаштириш секциялари фаолиятини ташкил қилади;

-социологик-психологик сўровлар ўтказади;

-ижтимоий-ахлоқий муҳитни назорат қилади;

-талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш жараёнини ташкил этади, уларнинг ишини мувофиқлаштиради ва бошқаради;

-миллий, умумбашарий кадрларни тарғиб этади;

-спорт (футбол, баскетбол, шахмат, шашка, стол тенниси ва бошқа) турлари бўйича мусобақалар ташкил этади;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга моддий ёрдамлар бериш бўйича раҳбариятга таклифлар киритади.

VIII. Талабалар турар жойида талабаларнинг ўзини-ўзи бошқарувини ташкил этиш

1. Талабалар турар жойида талабаларнинг ўзини-ўзи бошқарувини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида «Талабалар кенгаши» (кейинги ўринларда «Кенгаш») ташкил

этилади.

. Кенгаш таркиби умумий овоз бериш орқали, талабалар томонидан сайланади. Талабалар бошқаруви аъзолари «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқийдиган, талабалар ҳаётини ҳар томонлама яхши биладиган, мустақил фикрловчи ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этувчи шахслар бўлиши лозим.

3. Талабаларнинг ўзини-ўзи бошқаруви демократик асосларга қурилади. Кенгашнинг фаолиятини йўналтириш, мувофиқлаштириш ишларини педагог тарбиячилар амалга оширади.

4. Кенгаш раиси бир йил муддатга сайланади.

5. Кенгашнинг иш режаси ва дастури кенгаш раиси томонидан ишлаб чиқилиб, бошқарув аъзолари, педагог-тарбиячилар билан муҳокама қилинади ҳамда ўрнатилган тартибда ректор томонидан тасдиқланади.

6. Ҳар бир бўлинма ва қаватда сардорлар сайланади. Сардорлар яшовчиларнинг хона(секция)даги мулкни, тозалик ва тартиб-интизомни сақлашини назорат қилади. Сардорлар Кенгаш қарорларига асосланган ҳолда фаолият олиб боради.

7. Кенгаш ўз фаолиятини «Талабалар кенгаши» ҳақидаги Низом асосида ташкил этади ва олиб боради.

8. Қуйидаги масалалар Кенгаш билан келишилган ҳолда ҳал этилади:

-маъмурият томонидан яшовчининг бир хонадан иккинчи хонага кўчирилиши;

-яшовчиларни рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш.

9. Таълим муассасаларида «Талабалар шаҳарчаси» дирекцияси ташкил этилган ҳолларда «Талабалар бирлашган кенгаши» ташкил этилиши мумкин. Мазкур кенгаш бир нечта талабалар турар жойлари кенгашларини ўзида бирлаштиради ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

IX. Талабалар турар жойларида тарбиявий ишлар

1. Талабалар турар жойида тарбиявий ишлар институт фаолиятининг устувор таркибий қисми саналиб, ректор раҳбарлигида тегишли бўлимлар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

2. Талабалар турар жойида тарбиявий ишларни амалга оширишда шахсан маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректор масъул саналади. У талабалар турар жойи маъмурияти, деканатлар, кафедралар ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни бошқаради.

3. Талабалар турар жойига институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори томонидан тасдиқланган маънавий-маърифий ишлар режаси асосида турли давлат ва жамоат ташкилотларини жалб қилиш.

Талабалар турар жойларида бадиий ва техник ижодий ҳаваскор тўғараклар, спорт ва туристик секциялар ҳамда қизиқишлар бўйича клублар, шунингдек, фан, санъат, адабиёт намояндалари билан учрашувлар, диспутлар, тематик кечалар ва байрам тадбирлари ташкил этилади.

X. Талабалар турар жойида яшовчиларга кўрсатиладиган хизматлар

1. Талабалар турар жойида вақтинча фойдаланилмай турган хоналарда ўрнатилган тартибда турли хил (пуллик) хизматлари ташкил этилиши мумкин.

2 Талабалар турар жойида қуйидаги хоналар фаолияти йўлга қўйилади:

-маънавият ва маърифат хонаси;

-ўқув ва дарс тайёрлаш хонаси;

- кутубхона;
- дам олиш хонаси (ота-оналар хонаси);
- гигиена хонаси;
- ювиниш хонаси;
- буюмларни сақлаш хонаси;
- ошхона;
- спорт зали ва бошқалар.

XI. Талабалар турар жойлари ҳолатини назорат қилиш

1. Талабалар турар жойлари ҳолати институт раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари томонидан махсус режа асосида ўрганиб борилади ҳамда унинг натижалари Илмий кенгашда муҳокама этилади.

2. Талабалар турар жойлари фаолияти таълим муассасасининг тегишли проректорлари монидан доимий назорат этиб борилади ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни амалга ошириш юзасидан ректорга таклифлар киритади.

3. Ҳар бир талабалар турар жойида билдирилган мулоҳаза ва фикрларини ёзиш учун қайднома дафтари (1 нусха, муҳрланган) бўлиши лозим.

4. Талабалар турар жойларида «Адолат қутиси» ташкил этилади ва яшовчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳар ҳафтада бир марта ўрганилиб, муҳокама қилинади ҳамда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

XII. Талабалар турар жойларини молиялаштириш

1. Талабалар турар жойи Олий таълим вазирлиги томонидан институтга ажратилган маблағ, бюджет, бюджетдан ташқари (тўлов-контрактдан) тушадиган, тадбиркорлик асосида ишлаб топилган ҳамда талаба ва аспирантлар истиқомат қилишлари учун тўланадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Талабалар турар жойи штат бирликлари амалдаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг штат бирликлари асосида белгиланади.

XIII. Низомга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш

1. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек кучини йўқотган деб топиш институт ректори буйруғи билан амалга оширилади.

ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИГА КИРИШ-ЧИҚИШ ТАРТИБИ

1. Талабалар турар жойига кириш ва чиқиш талабалик гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

2. Талабалар турар жойига кириш ёки чиқишда рухсатнома талабалик гувоҳномаси билан биргаликда навбатчи эшикбонга ҳамда навбатчи-талабага кўрсатилиши шарт.

3. Талабалар турар жойида яшовчи талабаларга ёзги вақтда кеч соат 22.00 ва қишки вақтда кеч соат 21.00 гача талабалар уйига киришга рухсат берилади. Дарсдан бўш вақтларда турли ташкилотларда ишлайдиган талабаларнинг рўйхати талабалар турар жойи бошқаруви томонидан тузилади ва тасдиқлаб қўйилади.

4. Талабалар турар жойига келган меҳмонлар, ота-оналар, қариндошлар, дўстлар ва бошқа талабаларнинг кириш-чиқишига фақат бошқарув раиси ёки педагог-тарбиячи рухсат бериш мумкин.

5. Четдан келганлар ҳақидаги маълумотлар (келиш ва кетиш вақти, паспорт номери, хона рақами кўрсатилган ҳолда) қайднома дафтарига ёзиб қўйилади ва уларнинг ётоқхонадан соат 20.00 гача чиқиб кетиши қатъий назорат остида бўлиши шарт.

6. Талабалар турар жойи ички тартиб-қоидаларини, кириш-чиқиш қоидасини бузган талабалар огоҳлантирилади ҳамда расмий қайд этилади, агар бу ҳолат яна қайтарилса у талабалар турар жойида яшаш ҳукуқидан маҳрум этилади.

7. Талабалар турар жойи эшикбони, ходимлар ва яшовчилар атрофда шубҳали кишилар ва буюмларни кўриб ёки сезиб қолганларида зудлик билан милиция таянч пунктига хабар беришлари лозим.

8. Талабалар турар жойи эшикбони ташқи ва ички телефон тармоғи билан таъминланиши шарт. Унинг столида тез ёрдам, милиция, ёнғин хавфсизлиги, ректор, проректорлар, факультетларнинг деканлари, электр, газ тармоқларининг телефон рақамлари ҳамда талабалар уйи бошқаруви раисининг иш ва уй телефон рақамлари бўлиши шарт.

Талабалар турар жойларида яшовчилар амал қиладиган ички тартиб-қоидалар

1. Талаба ва аспирантларнинг талабалар турар жойларига жойлашиши ордер орқали амалга оширилади, ордер маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ва касаба уюшмаси рухсати билан берилади.

2. Талаба ва аспирантлар яшаш даврида зарурат туғилса, белгиланган тартибда талабалар турар жойининг бир хонасидан иккинчи хонасига ёки бир талабалар турар жойидан бошқа талабалар турар жойларига кўчиб ўтиши мумкин.

3. Талабалар турар жойида яшовчилар шахсий мулкдан фойдаланиши махсус қайд этиш қоғози орқали амалга оширилади ва уларни эҳтиётлаш фойдаланишга олган шахс зиммасига юклатилади.

4. Талабалар навбатчилик жадвалига биноан хоналарда, қават ва кириш жойларига навбатчилик қиладилар, дам олиш жойларида намунали тозаликни таъминлайдилар.

5. Газ ва электр асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қиладилар.

6. Талабалар турар жойидан узоқ муддатга кетаётиб (дам олишга, амалиётга) талабалар уйи маъмуриятини икки кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйишлари керак.

7. Кундалик эҳтиёжга эга бўлмаган катта ҳажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни талабалар турар жойининг буюмлар сақлаш хонасига топширишлари керак. Буюм сақлаш хонасига топширилмаган буюмлар учун талабалар турар жойи маъмурияти жавобгар бўлмайди.

8. Талаба яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим тоза ва тартибли тутиши лозим.

9. Ҳамхоналар ва талабалар турар жойида яшовчилар билан доимо самимий, аҳил муносабатда бўлиш керак.

10. Талабалардан турар жойи ва хонадаги мавжуд ҳамма жиҳозларни (шифонер, кроват, тумбочка, стол, стул ва ҳ.к.) намунали даражада тутиш талаб этилади.

11. Умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр ва газ плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш лозим.

12. Электр ва газ плиталаридан тўғри ҳамда тежамли фойдаланиш, қўлбола электр иситгич асбобларидан мутлақо фойдаланмаслик лозим.

13. Талабалар турар жойида ўтказиладиган хашарларда, теварак-атрофларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишда қатнашишлари лозим.

14. Ўқишни битирган талабалар икки ҳафта ичида яшаб турган хоналарини бўшатишлари керак.

**Талабалар турар жойларида фаолият кўрсатадиган
«Талабалар кенгаши» ҳақидаги
Низом**

I. Умумий қоидалар

Талабалар кенгаши талабалар турар жойларида яшовчи талабалар томонидан сайланадиган ёшларнинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган талабалар уюшмаси ҳисобланади.

Талабалар кенгаши аъзолари талабалар турар жойида яшайдиган, яхши ва аъло баҳоларга ўқийдиган, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи, талабалар ҳаётини ҳар томонлама яхши биладиган ҳамда бу соҳада мустақил фикр юрита оладиган, талабалар манфаатини ҳимоя қилиш салоҳиятига эга бўлган фаоллар сафидан демократик асосларда сайланади.

«Талабаларнинг бирлашган кенгаши» талабалар турар жойларида ташкил этилган «Талабалар кенгаши»лари фаолиятини уйғунлаштиради ва назорат қилади.

Талабалар турар жойларида яшовчиларнинг фаолиятларини биргаликда бошқариш институт «Талабалар уйлари» дирекцияси ҳудудида жойлашган барча талабалар турар жойлари мудирлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, яшаш ва ўқиш шароитларини яхшилаш, талаба-ёшларнинг ижтимоий-маданий, ҳуқуқий манфатларини рўёбга чиқариш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади ҳамда фаолият кўрсатади.

II. Талабалар кенгашининг асосий вазифалари

Талабалар кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-Талабалар турар жойида талабаларнинг яшаш ва ўқиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, маданий дам олиши, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, дарсдан бўш вақтларида ишлаб ўз иқтисодий шароитини яхшилашни истовчи талабалар учун имкониятлар яратишни ташкил этади;

-ўқув йили давомида талабалар турар жойларида учрашувлар, бадиий кечалар ва талабаларнинг ҳаётини фаолиятига оид турли тадбирлар ўтказишни таъминлайди;

-Талабалар турар жойида ректор томонидан тасдиқланган норматив қоидаларга риоя қилиш, тартиб-интизом, озодаликни йўлга қўйишни таъминлайди ва институт Низоми қоидаларини бузувчи талабаларга нисбатан қатъий чоралар қўлланишини йўлга қўяди;

-талабалар турар жойлариаро тозалик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳашарлар уюштиради;

-талабалар турар жойлариаро соғломлаштириш ва чиниқтиришга қаратилган оммавий спорт тадбирларини ташкил этади;

-талабалар турар жойи фаолиятидаги муаммоларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб боришга эришади;

-бошқа олий таълим муассасалари талабалар турар жойлари билан ҳамкорлик ўрнатади;

-талабалар турар жойлари ҳудудида байрамларнинг шодиёна тарзда ўтказилиши бўйича ташкилотчилик ишларини олиб боради;

-«Ёш посбонлар» ҳамда талабалар турар жойлари жойлашган маҳалла билан ҳамкорликда ишлашга, маҳалла посбонлари ишининг мунтазам ва самарали ишлашига кўмаклашади.

III. Талабалар кенгашининг ташкилий тузилиши

1. Талабалар кенгашининг иши ўзини-ўзи бошқариш асосида барча йўналиш босқичларида демократик ташкил этилади.

2. Талабалар кенгаши фаолиятини кенгаш аъзолари томонидан бир йил муддатга сайланган Раис бошқаради.

3. Талабалар кенгаши раисининг фаолият кўрсатиш мақоми ушбу Низом асосида белгиланади ва талаблар турар жойи Бошқарув раиси (комендант) ўринбосари ҳисобланиб, белгиланган тартибда маош билан таъминланади.

Кенгаш йиғилиши бир ойда камида бир марта ўтказилади, зарур ҳолларда навбатдан ташқари кенгаш йиғилишлари Раис томонидан чақирилади.

Кенгаш қуйидаги масалалар доирасида фаолият олиб боради:

а) Талабалар кенгаши ва факультетлар талабалар кенгашларининг фаолиятларини ёритувчи ҳисоботлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

б) Талабалар кенгашининг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

в) Талабаларкенгашининг навбатдаги вазифалари ва иш режаларини белгилаш;

г) Талабалар кенгаши раиси фаолиятнинг вазифалари ва ҳуқуқий норматив асосларини белгилаш, қўшимчалар киритиш, зарур бўлган ҳолларда уни муддатидан олдин сайлаш, ўзгартиришларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилиш;

д) Талабалар касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи ва факультетлар талабалар кенгашлари қарорлари асосида, зарур бўлган ҳолатларда кенгаш аъзоларини аъзоликдан чиқариш, тавсия этилган номзодларни аъзоликка сайлаш;

е) Талабалар кенгаши мазкур Низом асосида ректор томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар, ички тартиб - қоидаларга ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари, Ёшлар иттифоқи Низомларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни ўрганади.

Кенгаш таркибида қуйидаги бўлимлар ташкил этилади:

-маънавий-маърифий ишлар бўлими;

-ташкилий-оммавий ишлар бўлими;

-маиший-тозалик ишлар бўлими;

-спорт-соғломлаштириш бўлими;

-қизлар бўлими;

IV. Талабалар кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари

-Кенгашнинг барча йиғилишларида ҳал қилувчи овозга эга бўлиш;

-олий институт Илмий кенгашинин талабалар ҳаётига оид мажлисларида ваколатга эга бўлиш;

-олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар институт ҳудудида жойлашган умумий овқатланиш муассасаларининг фаолиятини ўрганиш ва таклифлар киритиш;

-институт ҳудудининг тозалиги ва санитар ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминлаш;

-талабалар турар жойлари ҳудудида тартиб-интизомни таъминлашда милиция таянч пункти билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

-талабалар ўртасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий мавзуларда, Ўзбекистон қаҳрамонлари, депутатлар, ҳокимликлар, прокуратура, суд, туман ва шаҳар ички ишлар ходимлари, фан ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, бадиий кечалар ташкил этиш;

-турли юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва фоҳишабозлик каби инсон ҳаёти учун хавfli, аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳодисалар, иллатларга қарши талаба ва ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

-талабларнинг фан, адабиёт, санъат ва касб-ҳунар соҳалардаги ижодий истеъдодларини намоиш этишларига ҳамда тadbиркорлик ишларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш бўйича таклифлар киритиш.

Талабалар кенгашининг ушбу Низомига иш жараёнида тўпланган тажриба, муаммолар, истак ва таклифлардан келиб чиқиб, қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.